

**«НАВҚИРОН БУХОРО»
ГУМАНИТАР ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ**

**«КОРРУПЦИЯСИЗ ТАРАҚҚИЁТНИ
ТАЪМИНЛАШ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР»**

*мавзусидаги республика илмий-назарий
анжуман материаллари*



**Бухоро-2023
«Дурдона»-нашриёти**

00.00

000:000.0(00)

00 00

«Коррупциясиз тараққиётни таъминлаш: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги республика илмий-назарий анжуман материаллари [Matn] : – «Садриддин Салим Бухорий» нашриёти «Дурдона», - 2023. – 444 б.

УЎК 000:000.0(00)

ББК 00.00

Масъул муҳаррир: **Рахматов Анвар Исломович** - Бухоро вилоят адлия бошқармаси бошлиғи, 1-даражали адлия маслаҳатчиси

Такризчилар: **Каримов Бобур Шаропович** - социология фанлари доктори(DsC), профессор

Жумаев Рустам Ғаниевич - сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори(PhD), доцент

Бешим Тангриевич Мирзақулов - тарих фанлари номзоди, доцент

«Коррупциясиз тараққиётни таъминлаш: муаммо ва ечимлар» мавзуидаги республика илмий-назарий анжумани халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши ҳузуридаги нодавлат ва нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти доирасида Бухоро вилоят «Навқирон Бухоро» гуманитар тадқиқотлар маркази томонидан Бухоро вилоят адлия бошқармаси, Бухоро Давлат Университети ҳамда Бухоро муҳандислик-технология институти билан ҳамкорлигида нашрга тайёрланган. Анжуман тўпламига киритилган материаллар коррупцияга қарши кураш борасидаги вазифалар, ечимини кутаётган муаммо ва масалалар тўғрисида таҳлилий маълумотлар бериш билан бирга, жамиятда коррупцияга муросасизлик маданияти ва ахлоқини ривожлантиришига, ёшлар маънавий оламининг юксалишига, коррупцияга нафрат туйғусини шаклланишига хизмат қилади.

Тўплам материаллари профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва талаба ёшлар учун мўлжалланган.

Таҳрир ҳайъати: *Б.Ҳ.Эргашев, Г.Н.Наврўзова, Э.Х.Зоиров,
Б.С.Турдиев, Д.О.Ғафуров, Ю.А.Шукуруллаев,
Қ.Т.Турсунов, З.З.Комилов, С.А.Муродов,
Б.Х. Каримов, Ж.Ж.Шодиев, М.Т.Воҳидова.*

Техник муҳаррир: *Л.С.Султонова*

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардирлар

ISBN 978-9943-9581-8-0

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, жамият барқарорлиги соғлом турмуш тарзига амал қиладиган ёш авлодни шакллантиришга бевосита боғлиқ. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ўстириш – коррупцияга қарши курашишнинг муҳим омили эканлиги барча фуқроларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. //Миллий тараққиёт йўлимизни қатият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, НМИУ. 2017.-Б.110.
2. Асроров У. Коррупцияга қарши курашишда янги тизим ва янги механизм яратилади. Республика Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори А.Бурхонов билан суҳбат. – «Янги Ўзбекистон» газетаси, 2020 йил 7 октябр.
3. И.А.Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч». Т.: «Маънавият», 2010. 1-бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2-февралдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-2752-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37- сон, 982-модда.



ТАЪЛИМДА КОРРУПЦИОГЕН ҲОЛАТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ ОМИЛИ СИФАТИДА

Ширинов Анвар Қаноатович

*Бухоро давлат университети Юриспруденция, ижтимоий-сиёсий фанлар
кафедраси катта ўқитувчиси*

Аннотация: Мазкур мақолада таълим соҳасида коррупциоген ҳолатларни бартараф этиш инсон тараққиёти омили сифатида кўриб чиқилган.

УСТРАНЕНИЕ КОРРУПЦИИ В ОБРАЗОВАНИИ КАК ФАКТОР ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ

Ширинов Анвар Қаноатович

*Бухарский государственный университет, старший преподаватель кафедры
«Юриспруденция, социально-политические науки»*

Аннотация: В данной статье устранение коррупционных ситуаций в сфере образования рассматривается как фактор развития человека.

ELIMINATION OF CORRUPTION IN EDUCATION AS A FACTOR OF HUMAN DEVELOPMENT

Shirinov Anvar Kanoatovich

Bukhara State University, senior lecturer of the department «Jurisprudence, socio-political sciences»

Annotation: In this article, the elimination of corruptive situations in the field of education is considered as a factor of human development.

Таълимда коррупциянинг хусусияти шундаки, мазкур таъриф баъзи коррупцион схемаларнинг фаолиятига ёндашувига тўғри келмайди. Масалан, олий таълим муассасига ўқишга киришда қабул жараёнида ҳеч қандай ваколатларга эга бўлмаган воситачилар пулларни олишади. Олий таълимда коррупциянинг асосий шакллари кўриб чиқамиз:

Университетни аккредитация қилишда текширувчи органга пора бериш;

Давлат маблағларини мақсадга мувофиқ ишлатмаслик;

Дипломни ОТМнинг масъул шахслари ёки воситачи орқали сотиб олиш;

Сессия пайтида педагогларнинг товламачилиги (имтиҳонларни топширишда орттирилган талабларни қўйиш);

Пуллик консультацияларни, ўз китобларини, методик қўлланмаларини сотиб олиш учун тикиштириш;

Фанни ўқишни хоҳламайдиган талабаларнинг педагогларга босим ўтказиши (порани тикиштириш);

Педагогларга ҳамкасблари ёки раҳбарият томонидан имтиҳондан ўтказиш учун босим ўтказиш.

Таълимда коррупциянинг фарқли жиҳатлари шундаки, коррупцион муносабатларнинг деярли барча даражалари иштирок этган ҳисобланади (услугунонос ва лаборантлардан тортиб вазирликлар ва муассасаларнинг раҳбар кадрларигача. Коррупциянинг таълим тизимдаги тарқалиши қуйидаги шартлар билан аниқланган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим соҳасидаги стандартларни тасдиқлаш ва уларга риоя қилишни назорат қилиш бўйича монополияси. Кўплаб таълим муассасаларида ишнинг шаффофлиги ҳақида маълумотлар мавжуд эмас, ўқитиш жараёнини жамоатчилик томонидан

назорат қилишнинг самарали тизими мавжуд эмас. Касаба жамиятлари кучсиз ишлайди, таълим сегментлашган ва стандартларнинг назорати сусаяди. Ҳозирги кунда Мактабгача ва мактаб таълим вазирлигининг ўзи таълим стандартларини ишлаб чиқади ва уларнинг риоя қилинишини назорат қилади. Аслида эса таълим стандартларининг назорати бўйича назоратни мустақил эксперт ташкилотлари ёки компетент шахслар (ОАК томонидан тайинланган доцентлар ва профессорлар) вазирликлар билан биргаликда амалга ошириши керак.

3. Таълим олувчиларда ўқишга бўлган қандайдир мотивациянинг йўқлиги. Талабаларга имтиҳонни мустақил равишда топширгандан кўра уни сотиб олиш оддийроқдир. Мактабларни битирувчиларнинг билим даражаси ва ОТМларнинг абитуриентларга қўядиган талаблар ўртасида катта фарқ мавжуддир. Шу сабабли ОТМга кириш мураккаблашмоқда ва баъзи ҳолларда деярли имконсизга айланмоқда. Шунинг учун мактабларни битирувчилар ва уларнинг ота-оналари ўқишга кириш учун нафақат қонуний балки бошқа йўллардан фойдаланишга ҳаракат қилишади. Шундай қилиб, таълимнинг ҳозирги тизими коррупцияни рағбатлантиради. Ўзини тартибга солиш тизими ривожланмаган. ОТМларда коррупциянинг мавжудлиги сезиларди даражада уларга талабалар томонидан нейтраль ёндашув билан изоҳланади ва бу коррупцияни оммавий ҳодисага айлантиради.

4. *Сифатли таълимга асосланган таълим тизимининг тузилмаси мазкур соҳада коррупциянинг тарқалишини оммавийлаштиради.* Маълумки Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашни жадаллаштириш мақсадида 1993 йилдан бошлаб олий таълимга қабулда имтиҳонларнинг тест тизими жорий этилган. Бироқ амалиётда қайд этилишича ОТМга кирадиган кўплаб оқсайдиган талабалар хатолар билан ёндашишади ва оддий мисолни ҳам еча олмайдилар.

5. *Таълимда юқори даражадаги коррупция – бу асосан таълим муассасаларининг аккредитацияси, лицензияланиши босқичларида пайдо бўлади.* ОТМларнинг аккредитацияси механизми мукамал эмас ва бир неча жиддий камчиликларга эга. Масалан давлат ва хусусий (тижорий) ОТМларининг филиалларини аккредитация қилиш тартиби. Агарда ОТМ давлатники бўлса, унинг филиали асосий ОТМнинг аккредитациясини ишлатиши мумкин. Лицензиялаш ва аттестациялашдан мустақил равишда ўтишади, давлат аккредитациясидан – олий таълим муассасаси таркибида ўтишади. Агарда ОТМ давлатники бўлса, унда унинг ҳар бир филиали ўзининг алоҳида давлат аккредитациясига эга бўлиши керак. Шундай қилиб

← *Коррупциясиз тараққиётни таъминлаш:*
Муаммо ва ечимлар →

давлат ва хусусий ОТМларнинг филиалларини тузишдаги нотенг шартлар намоён қилишади.

Айни бир вақтда ОТМ коррупциясини давлат буюртмалари ва грантларини тақсимлаш тизими озиқлантиради. Ҳозирги кунда давлат буюртмалари ва грантларнинг тақсимланиши - бу бюджет маблағларини яширин ўмаришнинг шакллари дир. Қоидага кўра давлат буюртмалари ва грантларини олиш маблағларни хусусий тузилмалар, сохта шартномалар, откатлар тизими орқали олиш билан боғлиқ дир. Тендерлар, конкурслар одатда «буюртма» ва «тўланган» мавзуларда эълон қилинади.

Таълим тизимида таълим тизимида коррупцион кўринишларни тақозо этадиган сабаблар орасида кенг маънода қуйидагилар киради:

1. Иқтисодий сабаблар. 1990- йиллардаги иқтисодий муаммолар.
2. Тузилмавий сабаблар. Масалан таълим ва соғлиқни сақлаш тизимидаги коррупция.
3. Тарихий ва ижтимоий-маданий сабаблар. Собиқ шўро ғоялари ва эски таълим тизими орқали сақланган.

Жамиятда коррупцияга бўлган баъзи қарашлар ижобий бўёққа эга бўлиши мумкинлигини инобатга олиш лозим. Хусусан, коррупция қарорларнинг қабул қилиниши ва амалга оширилишини тезлаштириши, вақтни иқтисод қилиш, давлат хизматчиларининг кам бўлган ойлигини компенсация қилиш ва орқали давлатга иқтисодий кўмаклашиши мумкин.

Ўзбекистонда коррупция – бу жамиятнинг ахлоқий деградациясига олиб келувчи, умуминсоний идеаллар ва ғурур, ифтихор ва адолат ҳақидаги тасаввурларнинг йўқотилишига олиб келадиган ўткинчи ижобий ҳолат дир. Унинг оқибатлари эса келгуси аجدодларимизга салбий таъсирга эга

Мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилади. Бироқ ушбу экспертиза 2012 йилдан бошланганини инобатга олсак, унга қадар қабул қилинган ўн мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатда коррупциоген нормалар мавжуд. Шу сабабли, кўмита томонидан охирги бир йил давомида ўтказган таҳлилларга кўра, ўндан зиёд қонунларда коррупцияга оид омилларни келтириб чиқарувчи нормалар мавжудлиги аниқланган.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ.....	3
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ. <i>Рахматов А.И.</i>	11
ҲАЛОЛЛИК – КОРРУПЦИЯСИЗ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ. <i>Наврӯзова Г.Н.</i>	17
МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ – КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ. <i>Бўтаев У.</i>	23
FUQAROLIK JAMIYATI INSTITUTLARINING KORRUPSION HOLATLARNI OLDINI OLISHDAGI FAOLIYATINI KUCHAYTIRISH MASALALARI. <i>G`aybullayev O.M.</i>	28
HALOLLIK VAKSINASI – TARAQQIYOT GAROVI. <i>G`afurov D.O.</i>	33
ЯЪҚУБИ ЧАРХИЙ ФАЛСАФАСИДА ҲАЛОЛЛИК МАСАЛАСИ. <i>Зойиров Э.Х.</i>	36
«ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ» ТАМОЙИЛИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ. <i>Каримов Б.Ш.</i>	39
АКСИЛКОРРУПЦИОН АХЛОҚ ВА МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ. <i>Бафоев Ф.М.</i>	49
ШАҲАРЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ КОРРУПЦИЯНИНГ ИЖТИМОИЙ ОҚИБАТЛАРИ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ. <i>Холмирзаев Н.Н.</i>	56
ЖАМИЯТДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ. <i>Аблакулов Ш.Д.</i>	60
KORRUPSIYADAN XOLI JAMIYAT SARI: MUAMMO VA YESHIMLAR. <i>Turdiyev B.S.</i>	63
КОРРУПЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ. <i>Мирзакулов Б.Т.</i>	71
МАЪРИФАТПАРВАР МУТАФАККИРЛАР ПОРАХЎРЛИК ЖИНОЯТИ ХУСУСИДА. <i>Эргашева М.З.</i>	73
ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ОМИЛИ СИФАТИДА. <i>Юлдашев Ф.</i>	80
ТАЪЛИМДА КОРРУПЦИОГЕН ҲОЛАТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ ОМИЛИ СИФАТИДА. <i>Ширинов А.Қ.</i>	84
KORRUPSIYA BILAN BOG`LIQ VA`ZI JINOYATLARNI SUBYEKTIV TOMONINING HUQUQIY TAHLILI. <i>Masharifov S.B.</i>	88
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ГЕРМАНИЯ ТАЖРИБАСИ. <i>Шукуруллаев Ю.А., Саъдиева Р.</i>	92
КОРАН И ХАДИСЫ О ВЗЯТНОЧЕСТВЕ. <i>Киличев Р.</i>	98